

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 566-ҳадис

566/1074 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَرَأَ: (إِذَا السَّمَاءُ انشَقَّتْ)، فَسَجَدَ بِهَا، فَقِيلَ لَهُ

فِي ذَلِكَ، فَقَالَ: لَوْ لَمْ أَرَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْجُدُ لَمْ أَسْجُدْ.

566.1074. Абу Саламадан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг «Изас-самаун шаққот»ни ўқиб, унда сажда қилганини кўрдим. Шунда: «Эй Абу Ҳурайра, сажда қилаётганингни кўряпманми?» дедим. У киши: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сажда қилганларини кўрмаганимда, сажда қилмас эдим», деди».

Манба: hadis.islom.uz

